



ЯНГИЧА ШЕЪРИЯТ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Холова Мафтуна,

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

Калит сўзлар: модернизм, эстетик эксперимент, поэтик тил, замонавий лирик шакл.

XX асрнинг сўнги ўн йилликларида юз берган воқеалар, айникса, ўзбек адабиётида ҳам ўз ифодасини кўрсатди. Ўзбек адабиёти тубдан ўзгарган миллий онг, тамомила янгиланган эстетик ўзгаришларнинг маҳсули сифатида фикрлаш тарзи, ижод қилиш йўсини ўзгача ижодкорларни юзага чиқарди. “Бу давр шеъриятида ўткир гап айтиш, доно фикр билдириш, насиҳат, ақл ўргатиш эмас, балки инсон руҳининг мураккаб, исмсиз манзараларини акс эттиришга эътибор кучайди. Ҳиссиёт қатламларини тадқиқ этиш, одам руҳиятидаги бой ва рангин иқлимларни поэтик кашф этишга уриниш кучайди” [6, 77]. Дарҳақиқат, шеърият ўзига хос тажриба ва изланишлар майдонига айланиб, бу давр лирикасининг қиёфасини новаторона модернизм поэтикасисиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Эндиликда модернизм йирик тарихий даврлар алмашинувини бошдан кечирган замондошларимиз эстетик тафаккурини янгилашга интилоқда.

Миллий тафаккур тараққиётида кейинги йилларда юз бераётган ўзгаришлар жаҳон миқёсидаги турфа ижтимоий-фалсафий қарашлар билан яқиндан танишиш имконини берди. Бунинг натижасида одамларимиз бир хилда фикрлаш ҳолатидан соқит бўлди. Миллий тафаккурнинг барча соҳалари сингари ўзбек шеъриятининг мазмун-мундарижаси, шаклу шамоийли ва ифода йўсинида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Биз бунинг намуналарини ўтган асрнинг 80–90-йилларидан эътиборан ўзбек поэзиясида кузата бошладик. Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева, А.Суюн, Ш.Раҳмон, У.Азим, М.Юсуф, И.Отамурод, Ф.Афрўз, А.Қутбиддин, Б.Рўзимухаммад, Фахриёр,

И.Мирзо сингари шоирларнинг шеърларида оламни поэтик идрок этиш, ҳар қандай кичик бир ўзгариш уларни бефарқ қолдирмаслигини ва бу ҳолатни янги бир кашфиёт даражасида кўра олишини ўз асарлари мисолида исбот қилиб беришди. Биз бунинг ёрқин намунасини таниқли шоир Абдували Қутбиддин ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин: *Қайси кун –// Гиёҳлар темир бўларлар // Қоялар босқонга, // Ой темирчига айланар. // Таёқлар болта бўлади – у кун // Япроқлар ўқ бўлар, // Шамоллар ўқдон. // Менинг ҳам кўзларим бир нима бўлар – // Ё қалқон, // Ё камон, // Ё сонқон... каби тамсилларини англаш шеърхондан жиддий бадий тайёргарликни талаб қилади. Бир ўқишда, дарҳол англаб олинмайдиган, мантиқсизликдай туюладиган бу ифода кишини шеър матнига чуқурроқ киришга, шоир назарда тутган бадий мантиқни топишга ундайди. У ўқувчидан изланишни, шеър пайдо қилган юзаки таъсир билан кифояланиб қолмасликни талаб қилади. Бу эса китобхондан ижодкорликни талаб қилади. Шунингдек, шеърдаги ноанъанавий ўхшатишлар шеър мисраларининг ўзига хос оҳангда ўқилишига сабаб бўлади.*

Кўп асрлик тарихга ва шаклланган қатъий анъаналарга эга ўзбек шеъриятида модерн йўналиш тасодифан пайдо бўлиб қолган эмас. Ўқувчиларни ўзига тортган зоҳирий унсурлар: содда тил, бир текис оҳанг, асар бошидан охиригача бир хилда сақланган вазн кабилар бугунги кунда айрим ижодкорларни ҳам, кўпчилик китобхонларни ҳам қониқтирмай қолди. Ҳозир барчани бирдай ўзига жалб эта оладиган ҳаётий муаммо ҳам, ҳаммада ёппасига ижобий муносабат пайдо қила



биладиган бадий асарнинг ҳам бўлиши деярли мумкин эмас. Шу маънода адабиёт ҳамма вақт янгилик сари, бетакрорлик сари интилаваради. Адабиётшунос У.Норматов таъкидлаганидек, “Модернизм шунчаки адабий-бадий эксперимент-тажриба, шаклий-услубий изланиш натижаси эмас, балки у дунёни, инсонни янгича кўриш, тушуниш, англаш, англантишнинг ўзига хос фалсафий-назарий асосларига эга” [3, 237].

Ўзбек шеъриятида илгари ҳам яккам-дуккам тарзда мавжуд бўлган қофиясиз, вазнсиз, тиниш белгиларисиз, имло қоидаларига риоя қилинмай ёзилган, дастлаб англаш у ёқда турсин, ҳатто, ўқиш ҳам маҳол бўлган асарлар бугун миллий поэзиянинг қиёфасини белгиловчи омилга айланиб бораётир. Улар адабиётшуносликда модерн шеърлар дея аталди ва қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Модерн адабиётда одамнинг ички олами биринчи ўринга қўйилади. Асардаги барча нарса: рамзлар, воқеалар тасвири, сўзлар, мусиқийлик фақат одам руҳиятини очишга қаратилиши керак деган қараш бу йўналиш вакиллари таянадиган бош тамойилдир. Модерн ижодкорлар қўллаган рамзлар онгли ва мантиқий, жуда санъаткорона, математик жиҳатдан ғоят аниқ эди. Асар таҳлили ҳам математик формулани ечиш жараёнига ўхшай бошлади: асар аввал қисмларга бўлинади, ҳар бир сўз ва товуш алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади, улар бирга уйғотган туйғу ақл билан ўлчаб, мантиғини англашга интилади. Демак, модерн шеърни англашнинг ўзиёқ киши ақлини теранлаштиради, дунёқарашини ўзгартиради.

Шарқ шеъриятида бутун оламда ва ҳар бир одамда кўрилган илохий жилва намоён эди. Уларда рамз туйғу танқислигини бекитиш учун эмас, балки туйғуни туйилганидан мукамалроқ қилиб етказиш учун хизмат қиларди. Ижодкорларнинг шахсий кечинмаларига таяниб, уни ўта шахсий йўсинда ифода

этгани учун ҳам модерн шеърят оммавий бўла олмади, бунини у ҳеч қачон даъво ҳам қилмайди. Аммо бу ҳол уни халқона эмас ва одамларга ёт дейишга асос бермайди.

Истеъдодли шоир Абдували Қутбиддин ўзининг куйидаги сатрларида бунинг ёрқин исботини кўрсатади: *Истардим, // Фалакнинг қабоғи бўлса // Ва қабоқ ичида бўлса чимилдиқ. // Атрофим сабуҳий мушқларга тўлса, // Ҳам сен қутсанг мени // Дилинтуқ.*

Демак, шоир бу мисраларда китобхон ҳаёлига ҳам келтирмаган ташбеҳлардан мохирона фойдаланганки, бу шеърнинг эстетик таъсирини янада акслантиради. Шоир “фалакнинг қабоғи ва ўша қабоқнинг ичида чимилдиқ ва у ерда лирик қахрамонни кутаётган инсон...” *Истардим // Юлдузлар чирогим бўлса, // Зулмат кечаларин кечсам адоғин. // Бир ажиб, сеҳрли чорбоғим бўлса // Ва сен ёлғиз бўлсанг // Азобим.*

Худди юкоридагидек, бетакрор ҳолат. Бунда лирик қахрамон кечинмалари ўзгача. Бу ўзгачалик лирик қахрамон ва унинг ёлғиз “азоби”. Бу азоб ҳам бошқача. Унинг асл моҳияти – муҳаббат. *Истардим // Кўнглимни улоқтирсаму // Бу ёвуз оламга... // Юрак устига // Сени ўлтиргизсам, // Термилсам, термилсааммм.*

Ёки шоирнинг сўнги хитобиди: *Истардим, // Ва лекин оёғим ботган, // Ҳаёт бўғиб қўйган гирибонимдан. // Бу ёғи ёшим ҳам ўттизга кетган, // Бу ёғи умид йўқ қаттиқ жонимдан. // Истардим.. [1,56]*

Шоир лирик қахрамони жуда кўп нарсаларни истайди, лекин бу хоҳишларининг энди имкони йўқ. Чунки вақт ўтган. Ўтган умрни эса сира ҳам ортга қайтариб бўлмайди. Улар эса истаклигича қолаётганлигини ҳукм мисрада янада ёрқин тасвирлайди.

Дарҳақиқат, осон эришилган ҳар қандай ютуқ, қийматидан қатъи назар, ўз аҳамиятини тез йўқотади. Шу сабабли ҳам машаққат билан эришилган ҳар қандай нарса қадрли, эришилмагани эса доимо ўзига талпинтираверади. Демак, бу ҳолат



доимо шеърятда, юқоридаги каби гўзал тамсиллар орқали аксланаверади.

Айтилганлардан келиб чиқиб, модерн шеър шоирнинг одатий мантиқдан ташқаридаги тасаввур ва хиссиётлари

маҳсули бўлиб, мажозга асосланади, бадииятнинг хусусий қонуниятларига таянади. Шу маънода бу ҳолат ҳар бир китобхон томонидан ўзига хос тарзда талқин қилинади.

Адабиётлар

1. Абдували Кутбиддин. Бор.- Т.; Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 56-б.
2. Болтабоев Ҳ. Модернизм ва янги ўзбек шеърятини. 2-мақола // Жаҳон адабиёти. 2007, №2. – Б. 157.
3. Норматов У. Ижод сеҳри. Т.: Шарқ, 2007, 237-б.
4. Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд. “ЎзАС”, 2004 йил 26 март.
5. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Т., Янги аср авлоди, 2006, 77-б.

Холова М. К вопросу о новых тенденциях в поэзии. Узбекская поэзия особенно начала развиваться в годы независимости. Наряду с классическими литературными традициями начали отражаться и современные интерпретации. В частности, поэзия Абдували Кутбиддина является поэзией, поднявшейся на новый уровень. Его такие стихотворения, как "Какой день ...", "Я хотел бы ..." описываются в современной стихотворной форме, которая связана с традиционными формами поэзии.

Kholova M. To the problem of new tendencies in the poetics. In the years of independence the Uzbek poetry has been developing in its peculiar way. Along with the classical literary traditions there began to be reflected modern interpretations. In particular, the poetry of Abduvali Kutbiddin is the poetry of the next stage. Such of his poems as "What a day ...", "I would ..." describe modern verse form, connected with the traditional forms of poetry.
